Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 1 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 43 (6689)

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган Бош Ассамблеянинг тантанали мажлисида нутқ сўзлади. Президентимиз анжуман иштирокчилари эътиборини Марказий Осиёда юзага келган муаммоларга, хусусан, Орол денгизи муаммосини мазкур халқаро ташкилот ва молиявий муассасалар кўмагисиз ҳал этиш мумкин эмаслигига, БМТ Хавфсизлик кенгашини Афғонистондаги минтақа барқарорлигига хавф солаётган биродаркушлик урушига барҳам бериш учун бу мамлакатга қурол-аслаҳалар олиб киришни тақиқлашига қаратди.

Шу билан бирга Президентимиз БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш йўлида Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари таркибини кенгайтириш, унга Япония ва Германия каби дунё сиёсатида етакчи мавқега эга мамлакатларни киритиш, ташкилот қабул қилаётган қарорларни ҳаётга тезроқ жорий этиш учун унинг Бош котиби ваколатларини кучайтириш ва БМТнинг минтақавий халқаро ташкилотлар билан муносабатларини фаоллаштириш, тангликларнинг олдини олиш йўлида унинг минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш лозимлиги тўғрисида таклифларни илгари сурди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ МАХСУС ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Жаноб Раис!

Бош котиб жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, назаримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида муҳокама этилаётган муаммолар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирги замондаги энг долзарб масалалардан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи ҳисобланади.

Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг бевосита кўмаги билан, 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Муайян минтақаларда, хусусан бугунги кунда «Оловли нуқталар» деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.

Бу айниқса улкан табиий, минерал-хомашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг жўғрофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаётган, афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш қўшни Тожикистондаги шуисиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.

Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қуллаб-қувватлаётган, Афғонистон худуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл, автомобил коммуникациялари қуриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жўғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

Бу юксак минбарда туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожиа, бутун ер юзини қамраб оладиган, биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Бугунги кунда халқаро молия тузилмалари ва ривожланган мамлакатларнинг қуллаб-қувватлаши ҳамда кўмагисиз, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслиги аниқ ва равшандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилар экан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур бўлиб кўринади:

Биринчидан, Хавфсизлик кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

иккинчидан, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

учинчидан, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора кенг тарқалаётган, хусусан бизнинг минтақамизда кенг тарқалаётган қурол савдоси миқёслари ва ҳажмлари ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Кўпгина мамлакатлар ҳатто қурол савдоси улар учун муҳим валюта манбаларидан бири бўлиб қолаётганини яшириша ётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, улар бу қурол эртага кимга қарши қаратилиши ва қайси мақсадларда ишлатилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаяптилар.

Қандай тинчлик ваъдалари билан ниқобланган бўлмасин, ядровий технологияларни сотиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу манфаатлар кўзланаётгани айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир.

Биз айрим жойларда эшитилаётган, бизни қайтадан ҳарбий-сиёсий ва блоклар қарама-қаршилигига қайтариш хусусидаги баландпарвоз баёнотлар билан асло келиша олмаймиз.

Биз учун ягона тўғри йўл — ҳалокатли равишда ўз қобиғига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукаммалликлар мавжудлигига қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Собиқ Совет ҳудудида барпо бўлган янги мустақил давлатлар ўзининг миллий давлатчилиги асосини шакллантираётган, демократик янгиланишлар йўлидан бораётган бугунги кунда улар ислоҳотларни амалга ошириш ва ўзларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмаларга қўшилишини тезлаштиришда жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги ва қуллаб-қувватлашига муҳтождир.

Мен моддий ва молиявий ёрдамнигина эмас, энг аввало — суверенитетимиз ва тараққиётимизнинг мустақил йўлини маънавий-сиёсий қуллаб-қувватлашни назарда тутяпман.

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олга босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

3 ноябрь куни Қўқон шаҳрида «Йил ўқитувчиси — 95» республика кўрик-танлови бошланади

НАФОСАТ ЧЕЧАКЛАРИ

«Ўзбекнинг ёшидан тортиб, кексасигача шоир». Бу ибора кўнглимизга муҳрланиб қолган. Мен бу фикрни бошқачароқ қилиб «ўзбекнинг ҳар бири ҳайрат эгаси» дея ифодалар эдим. Ўзбекнинг серҳаяжонлиги ҳам асли шундан. Унинг самимияти ҳам асли шундан...

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташкил этган ёш қаламкашларнинг «Нафосат» шеърият кечаси уша ҳайратли қалбларнинг кириги бўлди. Шеърият кечасини Нафис санъат лицейи ўқувчилари Давлат мадҳияси ижроси билан бошлаб бердик.

Шеърлар... Ёш қалбнинг оқ қоғоздаги зуҳури. Улар қандайдир авзону қонун-қоидалар билан ўлчанмайди. Уларнинг асосий мезони — самимият.

Улкан умид боғлаб
келгуси кунга,
Комил ишонч билан
яшайман мудом.
Кечаги ечилмай қолган
тугунга
Ечим ахтараман бетин,
беором,—

деб ёзади Урганч шаҳридаги Сғаҳий номли лицейнинг 9-синф ўқувчиси Зубайда Эшжонова.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган истеъдодли мактаб ўқувчилари болаликнинг ўзидай беғубор, содда ва самимий ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Дарҳақиқат, улардан ўткир фалсафийлик излаш ҳам ноўрин бўлур эди. Чунки бу шеърлар — болалик тасаввурининг ибтидоий инъикоси, ҳайрат меваси. Ҳайратга эврилган юраклардан эса ёмонлик мосуво булади. Асосийси ҳам — шу!

Шеърият кечасида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жура Йўлдошев ёш ижодкорларни қутлаб сўз айтди, бундай мамлакат миқёсидаги тадбирлардан бош мақсад истеъдодли ижодкор ўқувчиларни аниқлаш, тарбиялаш ва қуллаб-қувватлашни кўзда тутишини алоҳида таъкидлади. Кеча иштирокчиларига эсдалик совғалари топширди.

Дарвоқе, ёш қаламкашлар Абдулла Орипов, Тоҳир Малик, Ҳаким Назир, Сафар Барноев каби таниқли шоиру носирларнинг фикрларини ҳам тинглаб, узларида ижодга нисбатан айрича меҳр, айрича иштиёқ туйғуларини туйдилар.

Кечада Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Тотлимурот Отамуротов, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов иштирок этди. Минг эшитгандан бир кўрган афзал деганларидай, ижодкор ўқувчиларнинг шеърлари билан газетамизнинг яқин сонларидан бири орқали юз кўришасиз!

А. ХАБАРЧИ.

ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

Куни кеча 15 нафар америкалик ўқувчилар Ўзбекистон тупроғига қадам қўйдилар. Улар қарийб бир ой давомида ўзбек оилаларида яшаб, республикамиз ўрта умумтаълим мактаблари ҳаёти билан яқиндан танишадилар. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар тарихини ўрганишади.

Америкалик мактаб ўқувчилари ташрифи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев қабул маросими ўтказди. У америкалик ўқувчиларни серқуёш Ўзбекистонда бўлишлари билан қутлаб, уларга яратиладиган шарт-шароит ва келажакдаги дўстлик муносабатлари хусусида атрофлича тўхталди.

Инглиз тили чуқур ўргатиладиган 17-ўрта мактаб директори Лиля Алиева мактабда амалга оширилган ишлар, икки давлат ўқувчилари ўртасидаги алоқалар тўғрисида сўзлади.

Тадбир сўнгида америкалик ўқитувчилар Ричард Патц, Сунил Патель, Адам Венстейн ҳамда 15 нафар ўқувчига ўзбек урф-одатига кўра миллий либослар кийгизилди.

У. АКТАМОВ.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Ж. Ғ. Йўлдошев бошқариб борди. Йиғилишда «Хоразм вилояти таълим тизимида ўқув жараёнига янги ахборот технологиясини жорий этиш ва компьютер техникасидан самарали фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида»ги ҳамда «Республикада таълим мазмунини янгилаш бўйича илмий-педагогик ва методик ишларни амалга ошириш ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи М. Жуманиёзов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи С. Т. Алиев ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Ҳайъат шу нарсани қайд этдики, кўриб чиқилган масала юзасидан Хоразм вилоятида муайян ишлар амалга оширилган. Бу ерда 503 та умумтаълим мактабида ва 27 та ҳунар-техника билим юртида 237 та синфга ҳисоблаш техникаси ўрнатилган. Бу 47,7 фоизни ташкил этади. Таълим тизимини компьютерлаштириш бўйича Хоразм вилояти республикада саккизинчи ўринни эгаллаб турибди.

Мавжуд ҳисоблаш техникасининг асосий қисмини «Правец-8», «Тошкент» ва IBM хилидаги компьютрлар ташкил қилади. Вилоят халқ таълими бошқармаси қошида компьютерлаштириш бўйича етти кишидан иборат кенгаш, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида эса ихтисослашган метод бирлашмалари ишлаб турибди. Вилоятда бир қатор компьютер ишининг педагогик ташаббускорлари меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида Хонқа туманидаги У. Юсупов номидаги мактабдан Отаназар Фурумов, Боғот туманидаги лицей-интернатдан Эргаш Худойназаров, Гурлан туманининг Ҳамза номидаги мактабидан Хидирбой Ёдгоров каби ўқитувчилар бор. Бу ўз касбининг фидойилари компьютерлар учун янги дастурлар тузмоқдалар, услубий тавсияномалар тайёрламоқдалар. Уларнинг фаол иштирокида семинарлар, очиқ дарслар ўтказилаётир. Бу мураббийларнинг шогирдлари эса республика олимпиадаларида муттасил совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишаяпти.

Кейинги бир ярим йил мобайнида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчиларидан 103 киши вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида билимларини мустаҳкамлаб, соҳа янгиликлари билан танишиб қайтдилар.

Вилоятда барча хилдаги ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни таъминловчи «Узбекучавтоматика» бирлашмасининг минтақавий маркази ишлаб турибди. Урганч шаҳрида ҳам умумтаълим ўқув юртларига сервис хизмати кўрсатиш ва услубий ёрдам бериш маркази очилган. Марказ махсус дастур бўйи-

(Давоми 3-бетда)

«Маърифат» хабарлари

ТАЛАБАЛАР ДАЛАДА

ҚАРШИ шаҳридаги қурилиш лицейи талабалари бугун далада. Улар ҳар йилгидек оталиқдаги Қарши туманининг Акмал Икромов номли жамоа-ширкат хўжалиги деҳқонларига кўмакка келишган.

Лицей талабалари бу йил 320 тонналик хирмон яратиш ниятидалар. Улар ўтган йили шу жамоа хўжалиги далаларидан 300 тонна пахта териб беришган эди.

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ИСТИҚБОЛИ

МАРҒИЛОН шаҳридаги чет тилларни ўргатишга йўналтирилган «Истиқбол» гимназиясининг иш бошлаганига тўртинчи йил кетаяпти. Гимназиянинг иши ҳам номига яраша булаётир. Уни битирган ўқувчиларнинг аксарияти ўрта махсус ва олий ўқув юртларига қабул қилиниш жараёнида «қоқилишмаяпти». Яъни ўтган тўрт йил мобайнида 40 га яқин ўқувчи талабалик бахтига муяссар бўлди.

Гимназияда банк тизими синфи ҳам ташкил этилди. Унга ўқувчилар тест усулида синаб, қабул қилинадилар.

«Истиқбол»нинг мураббийларидан 17 нафари олий ва 14 нафари биринчи тоифага мансуб. Зеро, унинг келажаги порлоқ.

ҲОКИМ ЕР БЕРДИ

ОҚОЛТИН тумани ҳокими А. Қаюмов ташаббуси билан тумандаги барча мактабларга 1000 гектар ер бўлиб берилган эди. Ҳосилдан олинадиган даромаднинг асосий қисми ҳокимнинг қарорига кўра, ҳар бир мактабнинг ўз ихтиёрида қоладиган бўлди.

А. Ҳусанов номли 9-ўрта мактаб 71 гектар ердан 217 тонналик пахта хирмони уйишди. Ҳосилдорлик гектар бошига 32 центнерданга тўғри келди. Демак, энди улар ҳосилдан олинадиган даромад эвазига ўз қаддиларини анча тиклаб олишлари мумкин.

«БИНОКОР» БИРИНЧИ

УРГАНЧ шаҳридаги «Бинокор» болалар боғчасининг донги бутун вилоятга тарқалди. Ушбу боғча жамоаси мактабгача тарбия муассасаларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасида ўтказилган «Соғломжон — полвонжон» мусобақасида фахрли биринчи ўринни эгаллашди. «Бинокор» жамоасига биринчи даражали диплом ва пул мукофоти берилди.

МАКТАБГА МАКТУБ КЕЛДИ

МАРҲАМАТ туманидаги О. Уринбоева номли 18-ўрта мактабга Тошкентдан хат келди. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг муҳри босилган бу мактубда мазкур мактабнинг собиқ ўқувчиси Назир Худойқулов тўғрисидаги самимий илиқ сўзлар битилган. Илму маърифатга чанқоқ Н. Худойқулов 1990 — 1995 йиллар мобайнида институт талабаси бўлди ҳамда таржима ва унинг назарияси билан ҳам шуғулланди. Унинг «Таржимада сўз танлаш назарияси», «Мақолалар таржимаси», «Номлар таржимаси» ва бошқа илмий мақолалари диққатга сазовордир. Ёш тадқиқотчи ўз илмий изланишларини давом эттирмоқда.

Қобилиятли таржимашунос Н. Худойқулов билан 18-ўрта мактаб жамоаси ҳам фахрланса арзийди. Собиқ ўқувчининг камоли мактабнинг ҳам обруси-да!

667 МИНГ СЎМЛИК ЁРДАМ

ҚИБРАЙ тумани ҳокимияти халқ таълими муассасаларининг моддий аҳволини яхшилашга жиддий қарамоқда. Рақамлар солиштирилганда, бу яққол намоён бўлади. Агар ўтган йили мактабмаориф ишларига 400 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил 667 минг сўм пул ана шу мақсадда сарфланмоқда. Туман мактабларини замонага мос ва хос қилиб шакллантиришга барча оталиқ ташкилотлари ҳам беминнат ёрдам беришаяпти. Хусусан, «Темир қадам» жамоа хўжалиги 16 минг сўм, Тошкент паррандачилик фабрикаси 30 минг сўм, «Шарқ» иссиқлик таъминоти корхонаси 35 минг сўмлик маблағ билан ўз оталиқларидаги халқ таълими муассасаларига амалий ёрдам берганликлари қувончли ҳолдир.

ТИЛ БАЙРАМИ

ТОШКЕНТдаги 1-педагогика билим юртида тил байрами бўлиб ўтди. «Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ»(А. Қаҳҳор)лиги ушбу тадбирда намойиш этилди. Тилимизнинг бойлиги, жозибадорлиги, мазмундорлиги акс этган шеърлар, қўшиқлар, рақслар саҳнада кўрсатилди. Тадбирнинг эсда қоларли ўтишини таъминлаган ўқитувчилар У. Ҳошимова, У. Бобоёров, М. Носирова, Х. Умрзоқоваларга миннатдорчилик эълон қилинди.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимизнинг хатлари асосида тайёрланди.

УЛУҒ ЗОТ, БИЛИМДОН ИНСОН,

ТАНИШИНГ: РЕСПУБЛИКА «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ°95» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Бу йил қадимий ва навқирон Қўқон шаҳрида ўтказиладиган «Йил ўқитувчиси°95» кўрик-танлови жуда қизиқарли бўлиши кутилаётир. Сараларнинг сараси иштирок этадиган мазкур танлов руҳини ҳис этган «Маърифат»чилар вилоят ғолибларига қуйидаги 3 савол билан мурожаат қилишди.

1. ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ.
2. ДАРСЛАРИНГИЗДА ЎЗИГА ХОС ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАРНИ ҚЎЛЛАЯПСИЗ?
3. МУАЛЛИМ УЧУН БУГУНГИ КУНДА ЭНГ МУҲИМ ФАЗИЛАТ НИМА? СИЗ УНИ ҚАНДАЙ АСОСЛАГАН БЎЛАРДИНГИЗ?

Албатта, жавоблардан хулоса чиқариш муштарийларнинг ўзларига ҳавола.

Юлия МИРОШНИЧЕНКО, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Прогресс» тил ўрганиш марказининг инглиз тили фани ўқитувчиси: 1. 1974 йилнинг 13 июлида Нукус шаҳрида шифокорлар оиласида туғилганман. Оиламизда 4 кишмиз: онам, акам, синглим ва мен. Ўзим ҳали турмушга чиқмаганман. Мактабни битиргач, Нукус давлат университетининг чет тиллар куллиётида ўқиганман. Инглиз тилидан «Прогресс» тил ўрганиш марказида талабаларга сабоқ бераман. Ҳозирги пайтда ўзбек ва немис тилларини ўрганаяпман. Жаҳон мумтоз адабиёти намуналарини ўқишни, пианино чалишни ва торт пиширишни жуда севаман.

2. Мен янги типдаги таълим масканида ишлайман. Марказга талабалар танлов асосида қабул қилинади. Англияда чиққан дарсликлар буйича уларга инглиз тили ўргатилади. Ўғил-қизларни ўқитишда доимо янги-янги услубларни қўллаймиз. Видео-дарслар, мусиқали дарслар яхши самара бераяпти. Талабалар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари давлат мадҳияларини ижро қилиш билан бирга АҚШга ва Буюк Британия давлат мадҳияларини инглиз тилларида айтишни севадилар.

Бизнинг марказда таҳсил кўраётган Ботирбек Отамуротов, Равиль Залеотдинов, Рамил Залеотдинов каби талабаларимиз Америка Қўшма Штатларида бир йил ўқиб қайтиш учун танлаб олинди.

Ўз методик маҳоратимни такомиллаштириб боришда бой кутубхонамиз муҳим аҳамият касб этаяпти. Англия элчихонаси ва АҚШнинг «Тинчлик корпуси» ходимлари инглиз тилидаги турли дарслик ва қўлланмаларни, кўргазмали материалларни бизларга совға этишган.

Марказимизда «Тинчлик корпуси» ходимлари ҳам фаолият кўрсатаётганлиги муаллимларнинг методик маҳоратларини янада оширишга ижобий таъсир қилаётир.

3. Менинг назаримда, ҳар бир педагогнинг энг муҳим фазилати — бу болаларни севишдир. Зероки, ҳар бир боланинг қалбига йўл топишнинг таянчидир бу. Меҳрибонлик асосидаги муносабат бор жойда олға силжиш бўлади, ютуқлар кўпаяди.

Абдураҳим МИРЗААҲМЕДОВ, Андижон вилояти Асака туманидаги 11-гимназия-интернатнинг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда одобнома фани муаллими: 1. Ижтимоий келиб чиқишим деҳқон оиласидан. 1967 йилда Фарғона педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битирдим. 29 йилдан буён узлуксиз ўқитувчилик қиламан. Аёлим — уй бекаси, менинг ҳар соҳадаги кўмакдошим. Беш нафар фарзандни бировдан кам қилмай тарбиялаяпман. Томорқада ишлаймиз, қўй боқиб қўшимча даромад топамиз. Мени дўстларим кўп марта турли мансабларга, бизнес ишига таклиф қилишди. Ўтмадим. Негаки, барибир бир куни мактабга қайтишим бор эди-да. Бундан ташқари, одамда мардлик, фидойилик ҳам бўлиши керак-да.

Мактаб кўпроқ аёллар қўлига қолаётгани мени ташвишга солади. Қарангки, ривожланган Швеция мамлакатидаги мактабларда аёллар сонини олти фоиздан оширишмас экан. Бунинг сабабини изоҳлашга ҳожат йўқдир. Биз ҳарҳолда билим масканларига эркак муаллимларни қайтариш йўлларини ахтаришимиз керак.

Икки мингга яқин шахсий китобим бор. Сценарий ёзиб, спектакль саҳналаштираман. Шеър битаман, қўшиқ айтаман, давраларни бошқараман. Кези келса, рақса ҳам тушавераман. Хуллас, муаллимликни санъаткорлик деб биламан.

2. Фаолиятимда ҳамкорлик педагогикасига асосланаман. Мамажон Абдурасуловдан кўп нарса ўргандим. Тўғри, ҳамкорлик педагогикаси назариялари аллақачон яратилган, қардош педагоглар Шаталов, Ильин, Лисенков, Гончарова кабилар уни мустаҳкамладилар ҳам. Нима бўлганда ҳам, уларни бойитиб, маҳаллий шароитга мослаб қўллаш билан бирга ўз янгилигимизни ҳам кўпроқ яратишимиз керак.

Кейинги пайтларда кўргазмали қуроллар чиқарилмай қўйди. Борлари эса маънавий эскирган. Шу боис она тилида таянч сигналлар асосида янги кўргазмали қуроллар яратдим. Уларнинг бири Тошкентда 10 минг нусхада чоп этилди. Шундай ўқув-қуролларини адабиётдан ҳам яратдим. «Одобнома» буйича эса 19 та жадвал туздим. Ҳозир тажриба олиб боряпман. Яхши самара берса, матбуотда эълон қиламан. Тажрибамнинг жиҳати — ноанъанавийлик асосида болани кўпроқ фикрлашга чорлашдир.

Машғулотларда экипаж, суд, лашкар, семинар, саёҳат, конференция каби 20 дан ортиқ услубни қўллашим мумкин. Аммо услуб бу — восита, мақсад болага таълим ва одоб ўргатиш эканлигини унутмаслигимиз керак.

3. Ўқитувчи учун энг муҳими тўрт фазилат. улар: а) касбий қобилият; б) педагогика-психология фанлари ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш; в) педагогик ахлоқ; г) педагогик техника. Шу тўрт компонентга эга бўлмаган муаллим мактабда жуда қийналади.

Зийнатхон БУРХОНОВА, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 17-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси: 1. Бухорои Шарифда иймон-эътиқоди бут оилада туғилганимдан мамнунман. Энг севимли машғулотлари китоб мутоала қилиш бўлган отам билан, пахтаю пиллачиликда сочлари оқарган мунис онажоним билан ниҳоятда фахрланаман.

2. Дарсларимнинг доимо қизиқарли ўтишига пухта тайёрланаман. Она тили дарсларини «Ким сезгир», «Сеҳрли рақамлар», «Ўғитлар — яхшиликка етаклар», «Чексизлик машқлари», «Ўзингни сина», «Ҳадисхонлик» сингари дидактик ўйинлар асосида ўтказсам, адабиёт дарсларида «Одоб-аҳлоқ лаҳзалари», «Саҳнадан хабар», «Ким эртакчи», «Маънавият даҳолари», «Диққат, бошқотирма», «Ким топқир» сўз ўйини каби тадбирлардан фойдаланаман.

Ўқувчилар жавобига баҳо қўйишнинг ўзига хос услубини яратганман. Шунинг учун дарсларимда ўқувчилар деярли юз фоиз иштирок этадилар. Ҳар бир дарсимга озгина бўлса-да янгилик киритмасам, ундай дарсдан ўзим ҳам қониқмайман. Қолипсиз дарслар менинг доимий ҳамроҳим.

3. Муаллим учун энг муҳим фазилат — бу фидойилик. Агар ўқитувчида ўз ишига нисбатан фидойилик бўлмаса, у ҳеч қандай қийинчиликларни енга олмайди. Ўз касбига нисбатан ҳам талабчан бўлолмайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга жаҳон стандартлари талаби даражасида таълим бериши, мавзуларни синфдан ташқари машғулотлар билан боғлаб бориши, Ўзбекистоннинг келажакдаги уйғун кадрларини ҳозирдан шакллантириши лозим. Бунинг учун ўқитувчи доимо изланувчан, ижодкор ва тадбиркор бўлиши керак. Шундагина у ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларни енгадиган, ўқувчиларни эса бунга ўргатишга қодир бўлади.

Саодатхон НУРМАТОВА, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг 1-тоифали математика фани ўқитувчиси: 1. Жиззах шаҳридаги 7-ўрта мактабда ўқувчиларга математика ва геометрия фанидан 6 йилдан буён чуқур билим бериб келмоқдаман. Менда ўқитувчилик касбига иштиёқ уйғотган Муҳтарам устозларим олдида ўзимни доимо қарздор деб биламан. Устозлар изидан бориб муалимлик касбини эъзозлашга ҳаракат қилаяпман. Меҳнатларим зое кетмаяпти.

2. Математикани «ақл гимнастикаси», дейишади. Бу гапда жон бор. Чунки математика ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Мен ҳар бир дарсимнинг қизиқарли, тушунарли, жозибали бўлиши учун кўп изланаман. Дарсларимда турли хил усул ва услубларни қўллайман. Қўшимча адабиётлардан фойдаланаман...

Дарсларимдан қониқиш ҳосил қилган ўқувчиларим кўзларида қувонч, ажиб нурларни илғайман. Бу мени янги-янги изланишлар сари ундайди.

Ўз фанимга оид янгиликлардан, янги, замонавий дарс усулларидан хабардор бўлиб бораман. Ҳар бир мавзуни ўрганишда қизиқарли математик ўйинлардан, шеърий топишмоқ ва ривоятлардан ҳамда буюк математик олимлар ҳикматларидан унумли фойдаланаман.

3. Бугунги кунда муаллим учун энг муҳим фазилат бу — касбга содиқлик. Аслида, садоқатлиқда жуда кенг маъно бор. Унда фидойилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, оилага муҳаббат каби тушунчалар мужассам. Шу боисдан уни ҳар хил тушуниш ва кенг маънода изоҳлаш мумкин.

Ҳамиджон ҲОТАМОВ, Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 10-ўрта мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси: 1. Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғида деҳқон оиласида туғилдим. 1980-81 ўқув йилидан бошлаб қишлоғимиздаги Беруний номидаги 10-ўрта мактабда ўқитувчилик фаолиятимни бошладим. Биринчи ўқитувчим З. Маманазарова ҳамда А. Султонов, Г. Ҳодиева, А. Пўлатов каби устозларимнинг дунёқарашимни шаклланишида таъсир ҳиссалари катта. Ҳозир шу мактабнинг 9-11-синфларида тарих, инсон ва жамият курсидан ўқувчиларга сабоқ беряпман. Ўқитувчи бўлишимга меҳрибон отам ва онам ҳамда шоир акам Одил Ҳотамовлар яқиндан кўмаклашишди.

1995 йил 29 сентябрь — менинг ҳаётимда энг қувонарли, эсда қоларли кун бўлди. Чунки шу куни Президентимиз И. А. Каримовнинг Фармони билан бир гуруҳ ўқитувчилар қаторида менга ҳам «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» деган шарафли унвон берилди. Ҳукукуматимизнинг бундай ғамхўрлигига жавобан бор билимим ва кучим билан республикамиз маорифи ва маданиятини янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшаман.

2. Дарсларда юксак, самарали натижаларга эришиш учун ўқитувчи, авваламбор, ўқувчи ҳурматига сазовор бўлиши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи педагогик аҳлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқдир. Қолипга солинган дарслар яхши самара бермайди. Ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш бугунги куннинг бош талабидир. Мен педагогик фаолиятим даврида «Музей дарси», «Саёҳат дарси», «Шеърият дарси», «Суд дарси», «Маҳорат синови дарси» каби усуллардан самарали фойдаланяпман.

ЭҲМдан тарих дарсларида фойдаланиш яхши самара беришига ишонч ҳосил қилдим. Мактабимиздаги мавжуд «АГАТ-9» электрон ҳисоблаш машинасидан фойдаланиб, фанимизга оид дискетлар тайёрлаймиз ва дарс ўтамиз. Бундан ташқари, мактабда ташкил этилган тарих-ўлкашунослик музейининг амалдаги ўрни дарс, тўгарак машғулотлари давомида, айниқса, ёркин намоён бўляпти. Шунингдек, «ГНОМ-2» аппаратидан дарс жараёнида фойдаланиб, тест саволлари асосида ўқувчилар билимини синаб кўряпман.

Ўқувчилар ҳамкорлигида қишлоғимиз, вилоятимиз худудидаги тарихий жойлар ва обидаларни ўрганиб, халқ маърифати тарихини таҳлил этиб, анчагина маълумотлар тўпландик. Ана шу иш тажрибаларим асосида методик маслаҳатлар билан вилоят миқёсига чиқдим. Маслаҳатлар китобча ҳолида чоп этилди. 9, 10, 11-синфлар учун ҳуқуқшунослик дарслиги яратиш устида ишлаяпмиз.

3. Ўқитувчи учун энг муҳим фазилатлар — бу чидамлилик, эътиқод, вазиятга тўғри баҳо беришдир. Бугунги кунда айрим ўқитувчилар ўз соҳасини ташлаб, маоши кўпроқ томонга силжияпти. Яқинда халқ таълими ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ўқитувчиларни Тошкентга чақириб, катта ҳурмат ва эъзоз кўрсатилди. Мен шунга амин бўлдимки, энди ўқитувчининг қадри, обрў-эътибори яна ҳам ошади. Хулоса қилиб айтганда, сабр-тоқат, эътиқод, вазиятга тўғри баҳо бериш ва ўз касбини ардоқлаш муаллим учун энг муҳим фазилатлардандир.

Маъсудахон РАЗЗОҚОВА, Наманган вилояти Наманган шаҳридаги Аҳмад Яссавий номидаги 5-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси: 1. 1957 йили Наманган вилояти Поп туманининг Санг қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилганман. Ўрта мактабдан кейин Қўқон шаҳридаги педагогика институтида ўқидим. 20 йиллик меҳнатим бесамар кетмади: олий тоифали ўқитувчи даражасига эришдим. Турмуш ўртоғим шифокор бўлиб ишлайдилар. Уч нафар фарзандимиз бор. Ўқитувчиликдан ташқари чеварлик ҳам қиламан, шунингдек, рақсга тушиш санъатини ҳам эгаллаганман. Феълимни ҳақиқий ўқитувчиларга хос дейишади. Яъни анчагина ҳис-ҳаяжонлиман. Кўрик-танловда қатнашишдан мақсадим, аввало, тажриба алмашиш, кўпчилик олдида меҳнатим натижаларини, маҳоратимни намойиш қилиш.

2. Ўйин — болаликнинг ҳамроҳи. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари 45 минутлик дарсда толиқиши, зерикиб қолиши мумкин. Шу боис машғулотларни иложи борича ўйин билан омухталаштириб олиб боришга ҳаракат қиламан. Янгиликлар кўп. Саёҳат, мусобақалар дарсини болалар яхши кўришади. Айниқса, «Сеҳрли боққа саёҳат» услуби қўл келаяпти. Хуллас, мен амалда мавжуд услубларни янада бойитяпман. Натижалар чакки эмас. 32 нафар ўқувчидан 25 нафари фақат аъло баҳоларга ўқишяпти.

Фаолиятим мобайнида мингдан ортиқ асл нусхали кўргазмали қурол яратдим. Ҳаммаси қўлда тайёрланган. Уларнинг алоҳида айтадиганлари «Сирли кўл», «Сирли гул», «Зийрак қўёнча», «Мусиқали тест» кабилардан иборат.

Дарсларда устозимиз Мамажон Абдурасуловнинг рағбат орқали тарбиялаш усули қўл келаяпти.

Машғулотларда фақат дасрликдан фойдаланиш, албатта, камлик қилади. Шу боис кўп изланишга тўғри келяпти. Саҳна, дарси, эртак дарс, сочма саволлар услубини қўллаб, болаларнинг олдига ҳар гал қандайдир янгилик, қувноқлик олиб киришни ўзимга вазифа қилиб олганман.

3. Ўқитувчи, аввало, болаларни чин дилдан яхши кўриши, ҳалол, ростгўй, ҳар соҳада ибрат олса арзийдиган бўлиши керак. Чунки бола унга тақлид қилади, эргашади. Мен, шунингдек, ўқитувчидаги ҳамкорлик, зийраклик ва билимдонлик каби фазилатларни қадрлайман. Бундай сифатларсиз муаллим тўлиқ маънодаги ўқитувчи бўла олмайди.

Дилбархон БОБОМУРОДОВА, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 16-ўрта мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси: 1. Каттақўрғон шаҳрининг зиёли оиласида туғилдим. Шаҳардаги 2-ўрта мактабда таълим олдим.

Самарқанд давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини 1985 йилда тугатиб, Самарқанд шаҳридаги 10-ўрта мактабга тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишга кирдим. 1992 йилда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловига қатнашиб, вилоятда 3-ўринни эгалладим. 1995 йилда эса 1-ўринни эгалладим. 1992 йилдан бери Каттақўрғон шаҳридаги 16-ўрта мактабда ўз иш фаолиятимни давом эттирмоқдаман. «Халқ маорифи аълочисиман, оилаликман, 4 нафар фарзандим бор.

2. Бугунги кунда она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг тарихий жараённи тўғри баҳолашга, Ватанга муҳаббат, жамият бойлигига садоқат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга ўргатишдир.

Таълим-тарбиянинг сифатини оширишда дарс ўтишнинг самарали усулларидан фойдаланиш ҳар бир ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, мен, асосан, машғулотларда суҳбат, семинар, синов (тест) дарслари, шунингдек, андозасиз, ноанаъанавий дарс турлари ҳисобланган аукцион, яъни ким ошди савдоси, матбуот шарҳи, суд, баҳс-мусобақа, драматик, саҳнат кўриниши, топишмоқли, мусиқали, мусобақа дарслари сингари услубларни қўллайман.

Юқорида номлари айтиб ўтилган дарслар ҳозирги замон техникасига мукаммал таянган ҳолда видеомагнитофон, компьютер, кодоскоп, эпидиоскоп каби техника воситалари билан ўтилса, у янада мукаммалроқ, ҳозирги давр талабига мос равишда ўқувчи онгига тез етиб боради.

Она тили ва адабиёт дарсини илмий услубиёт жиҳатидан тўғри ташкил этиш, сифат ва самарадорликни ошириш, ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш сингари жиҳатлар фаолиятимнинг асосини ташкил қилади. Тест синовларидан фойдаланаман. Тест синовларининг 2 хил усули орқали синфдаги кўпчилик ўқувчиларни баҳолайман, вақтни тежайман.

3. Хуштакаллум, камтарин, меҳнатсевар, билимдон, талабчан, меҳр-шафқатлилик инсон ҳаётининг меъмори бўлиш ўқитувчининг асосий фазилатлари саналади. Ҳозирги кунда ўқитувчи ижодкор, ишбилармон, тадбиркор, ҳукуматнинг сиёсатини тўғри англата оладиган даражадаги зиёли, жойларда миллий-маданий анъаналар ва урф-одатларни тарғиб қила оладиган инсон бўлмоғи керак деб ўйлайман.

Замон талаби кундан-кунга ўсиб бораётган ушбу кунларда ижодкор бўлмаган ўқитувчи ўз фанига ўқувчиларни қизиқтира олмайди. Ишбилармон ўқитувчи ўз билимини иқтидорли, ўқишга иштиёқи бор ўқувчиларга мукаммал ўргатиш йўлларини ўйлаб топади.

Хон Сергей ДЕН-ХО, Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси: 1. 1960 йилнинг 13 ноябрида Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида колхозчи оиласида туғилганман. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг «Автоматика ва телемеханика» факультетини 1983 йилда тугатганман. Кейин ҳарбий хизмат йиллари...

Педагоглик фаолиятимни 1985 йилдан Ховос туманидаги 8-ҳунар-техника билим юртида бошладим. Кейин Ховос темир йўл техникумида талабаларга математикадан дарс бердим. Сўнг Сирдарё шаҳридаги 1-ўрта мактабда ишладим. Ҳозир эса Сирдарё шаҳридаги 3-ўрта мактабда математика муаллими сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдаман.

2. Келажак мактабларини компьютерсиз, тест синовларисиз, диагностикалаш ва рейтингсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги пайтда бу нарсаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўпчилик ўқитувчилар тушуниб қолишди.

Ҳар бир дарсимни қизиқарли ва тушунарли қилиб ўтказишга интиламан. Тез-тез ноанъанавий дарслар ўтказиб тураман. Ўқувчиларимнинг қизиқиши ва қобилиятларига қараб гуруҳларга ажратганман. Уларнинг математикадан олган билимларини тест саволлари асосида текшириб тураман.

Шарқнинг улуғ олимлари — Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Улуғбек, ибн Сино ҳаёти ва илмий фаолиятлари билан яқиндан таништириб бораман. Бу эса ўқувчиларни математика фанига қизиқтиришда муҳим омил бўляпти.

3. Бугунги кунда муаллим учун энг муҳим фазилат — фидойилик ва ўз касбига садоқат деб биламан. Ўз фанини чуқур билган ва болаларни чин дилдан яхши кўрган муаллимгина катта муваффақиятларга эришади. Ўқитувчи ўз ўқувчилари учун ҳар томонлама ибрат намунаси бўлиши керак.

Бибинор ТАНГРИҚУЛОВА, Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги А. Навоий номидаги кимё-биология ва хорижий тиллар лицей-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси: 1. 1964 йил 11 июнда Сурхондарё вилоятининг Шеробод шаҳрида хизматчи оиласида туғилдим. Шеробод шаҳридаги С. Айний номидаги 3-ўрта мактабни тугатдим. 1981 йилда Душанбе шаҳридаги Т. Г. Шевченко номли педагогика институтининг чет тиллари факультетига ўқишга кириб, 1985 йилда институтни имтиёзли диплом билан битирдим. 1985 йилдан бошлаб Денов шаҳар А. Навоий номидаги химия-биология ва хорижий тиллар лицей-интернатида ўқувчиларга инглиз тили фанидан таълим бериб келмоқдаман.

Олий тоифадаги ўқитувчиман. 3 нафар фарзандим бор. Адабиётга жуда қизиқаман. Бўш вақтларимда шеърлар ёзаман, шеър ўқиб маданий ҳордиқ чиқаришни яхши кўраман. Ҳар бир аёл учун пазандалик ҳам қарз, ҳам фарз деганларидек, пиширириқлар пиширишни ёқтираман. Ҳар бир дугонамнинг, таниш-билишимнинг, қариндош-уруғларнинг тўю-маъракалари менинг пиширириқларимсиз ўтмайди. Спортни ҳам четлаб ўтмайман. Спорт турларидан волейбол, теннис, шахмат-шашка ўйнашни жонимдан ҳам ортиқ кўраман ва мусобақаларда мунтазам равишда иштирок этаман.

2. Ҳозирги кунда хорижий тилни билиш жаҳон жамоатчилиги билан бизнинг ўртамиздаги мулоқот тўсиғини олиб ташловчи воситалардан биридир. Ташқи дунёга чиқиш учун, асосан, инглиз тилини ўрганиш лозим. Мактабни битириб чиққан ўқувчилар инглиз тилида эркин мулоқот қилиш қобилиятига эга бўлишлари керак. Бунинг учун биз инглиз тили ўқитувчилари тил ўқитишда ўқувчилар фаолияини оширишга қаратилган турли усуллардан фойдаланишимиз лозим. Шу мақсадни кўзда тутиб, мен кейинги уч йил мобайнида дарснинг ноанъанавий шакллари устида иш олиб бормоқдаман. Техника воситаларидан, тестлардан кўргазмали материаллардан, ўйинлардан фойдаланиб, дарсларни рангбаранг усуллар билан ўтказаяпман. Ўзига хос янгиликларимдан бири бу ҳар бир дарсимни ҳар хил (фонетик, лексик , грамматик) ўйинлар билан ўтказишдир.

3. Муаллим учун бугунги кунда энг муҳим фазилат бу унда юксак билим, катта иқтидор, одамларга меҳрибонлик, ақлзаковат, ўз ишига эътиқод ва садоқат, камтарликдир. Шунингдек, ғўзал ташқи қиёфа, бой ички дунё ҳам мен қадрлайдиган фазилатлардан ҳисобланади. Ундан ташқари ўқитувчи ўз фанининг зукко билимдони бўлиши керак. Шундагина у мақсадга эриша олади.

Мавжуда ТОЛИПОВА, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабнинг рус синфларида ўзбек тили фани ўқитувчиси: 1. 1957 йил 3 августда Андижон шаҳрида ишчи оиласида туғилдим. 1979 йили Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетини битирганман. 1991 йилдан Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабда рус гуруҳларида ўзбек тили фанидан дарс бериб келаётирман.

2. Дарсларда ва синфдан ташқари тадбирларда ноанъанавий услублардан фойдаланиб, қизиқарли ва жозибали дарс ўтаман. Суҳбат, телемост, семинар, танлов, ифодали ўқиш, шеърхонлик, қувноқ топқирлар, ҳикоя, саҳна каби дарс шакллари иш тажрибамда қўл келаяпти. Бир неча бор мактаб ўқитувчиларига саҳналаштирилган дарслар кўрсатиб, ўз тажрибам буйича маъруза қилганман. Айни пайтда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш муаммоси устида иш олиб бормоқдаман.

3. Муаллим учун бугунги кунда талабчанлик, изланувчанлик каби фазилатлар муҳим. Ўғил-қизларга нисбатан талаб-

МУНИС МУРАББИЙ

чан бўлмасангиз, улар ўз устида мустақил ишламайдиган бўлиб қолади. Кўпинча, уларни жамоат ишларига жалб этаман... Инсон фаолиятда бўлсагина, янгилик яратиш иштиёқи билан яшайди.

Шаҳлохон НАЗИРҚУЛОВА, Тошкент вилояти Пискент туманидаги 6-ўрта мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси: 1. 1987 йили ўқишни тамомлаб мактаб остонасига қадам қўйганим ҳали-ҳали эсимда. Шу кундан бошлаб мен ҳам ўқитувчиман, ҳам онаман, менимча, яхши ўқитувчи яхши ота-онадир, яхши ота-она таълим берувчи яхши ўқитувчи ҳамдир.

Мен ҳеч қачон ўқитувчилик билан оналик бурчимни бирбиридан ажратган ҳолда ҳис қила олмайман. Кишининг умри сувдек оқиб ўтади-кетади, — дейишади. Агар умр сувдек оқса, демак, ёмон ўтмас экан. Сув одамга ҳаёт бағишлайди. Ташна киши сув ичиб, чанқоғини босади. Мен ҳам ўз чашмаларимдан шогирдларим чанқоғини бостира олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблар эдим.

2. Ўқитувчи-педагог эринмайдиган инсон бўлиши керак. Дарсларни бир қолипда ўтказиш ўқувчиларни зериктириб қўяди. Шунинг учун мен дарсларимни турли усуллардан фойдаланиб ўтаман. Ўқувчиларимни фанимга бўлган қизиқишларини орттириб бораман.

Тест-синов, намойиш, баҳс-мунозара, мусиқа билан уйғунлашган дарслар, муаммоли дарслар, бувижонларимиз ўгитлари асосидаги дарслар, савдо расталари ташкил этиш асосидаги кўргазмали дарслар ташкил этаман ва ўқувчиларни касбга йўналтиришга ҳаракат қиламан.

Меҳнат фанини адабиёт билан боғлаб ўтаман. Одоб мавзусидаги шеърлардан ўринли фойдаланиб бораман.

3. Мен ўқитувчини она билан таққослагим келади. Лекин унинг вазифаси, бурчи онаникидан ҳам ортиқроқ. Ўқитувчида, сўзнинг том маъноси билан муаллим деб айтиладиган сиймода, онага ҳам, боғбонга ҳам, табибга ҳам, олимга ҳам, ёзувчига ҳам, буюк санъаткорга ҳам, қўйингчи, инсонларга хос жамики инсоний фазилатлар борлиги учун халқимиз бизга ўз нури дийдасини топширади. Уни парвариш қилиш, тарбия қилиш, улғайтириш, камол топтириш — қийин, бу масъулият фақат машаққатли, шарафли касб эгаси муаллимга юклатилади.

Маҳфузахон РАҲИМОВА, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллимаси: 1. 1959 йилда Қўқонда ўқитувчилар оиласида туғилганман. Шу ерда педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқидим. Тақдир тақозоси билан ўқитувчилар оиласига келин бўлиб тушдим. Овсинларим, қайинсинларим ҳам ўқитувчи. Турмуш ўртоғим эса муҳандис. Турт нафар дилбандимиз бор. Отам менинг қалбимда адабиётга, ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотди, устозлик қилди. Бўш вақтларимда кўп китоб ўқийман, ашула айтаман.

2. Дарсларни давр талабига мос тарзда — ноанъанавий услубда ўтишга ҳаракат қиляпман. Олдиндан конспект ёзаман. Баъзан янги услуб тасодифан чиқади. Масалан, ёмғир ёғяпти, дейлик. Мен болалар эътиборини ҳовлига, қўлмакларга, ҳовузга, осмонга қаратаман. Улар ўзларининг таассуротларини қоғозга туширишади. Қарабсизки, ҳар бир ўқувчининг мустақил бадиий ижоди тайёр. Шундай услуб билан ўқувчиларнинг ёзма нутқини ривожлантиряпман.

Машғулотларда ребуслар, бошқотирмалар, «Ўйла-изла-топ» ўйини, грамматик топишмоқлар, транскрипциялардан фойдаланяпман.

Биламизки, Қўқон қадимдан хонлар, савдогарлар, илм-маърифатчилар, адиблар ва диндорлар шаҳри бўлган. Айниқса, адабиёт дарсида маҳаллий шароитимизнинг ана шу жиҳатлари ҳақида фикр юритиш, таҳлил қилишга кўпроқ вақт ажратаман. Кўпроқ рағбатлаш, ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти услуби менга қўл келади. Болалар ўртасида сизлаш, ўзаро ҳурмат яхши бўлаяпти.

Машғулотларни тарих, биология, ўлкашунослик фанлари билан ҳам боғлайман. Болалар орасида ижод қилишга иштиёқ анча яхши. Бир ўқувчим «Менинг биринчи китобчам» кўрик-танловида етакчи ўринни эгаллади. Бу, албатта, меҳнатимиз зое кетмаётганидан далолат.

3. Бугунги кун муаллими ҳар жиҳатдан замонавий, ибрат бўлса арзийдиган даражада туриши, ҳар жиҳатдан илғорликка эришиши лозим.

Агар муаллим болага муҳаббат билан илғорликни омухталаштирса, бу яхши самара беради. Дарс ҳам қизиқарли чиқади. Зеро, буни қайсидир маънода фидойилик дейдилар.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси: 1. Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳридаги хизматчи оиласида 1961 йилда туғилганман. Ёшликдан ўзаллик олами — адабиётга, шеъриятга ҳавас қўйганман. Хоразм давлат педагогика институтининг филология факултетини тамомлаб, ҳозир ўзим дарс бераётган мактабга ишга келганман.

Сўзга шайдолик уринишларим самараси ўлароқ, иккита шеърий тўпламим нашр қилинди. «Қутлуғ сўзлар» шеърий китобчам учун Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси мукофоти совриндори бўлдим.

Ўтган йили Паркентда ўтказилган «Ижодкор ўқитувчиларнинг IV республика анжумани» ғолиби сифатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул этилдим.

Туман Кенгашининг депутати сифатида ҳамда туман хотин-қизлар кенгаши аъзоси — «Ижодкор аёллар» гуруҳи раҳбари сифатида баҳоли-қудрат элимга камарбаста бўлмоққа интиламан.

Саодатли аёлман дейишим мумкин. Турмуш ўртоғим билан бирга тўртта фарзандни тарбиялаяпмиз. Қайнона ва қайнота ардоғидаман, Оллоҳга минг қатла шукроналар бўлсин!

Энг муҳими — ҳали ҳаётдан умидларим кўп.

2. Бугунги кун нуқтаи назаридан дарс ўқувчи учун зерикарли бир машғулотга айланиб қолмаслиги керак. Бунинг учун эса ўқитувчи аввалдан давом этиб келаётган энг яхши анъаналарга ижодий ёндашиб, уларни ўз фаолиятида жонлантириш, янгиликларни дадиллик билан таълим-тарбия жараёнига олиб кириши лозим. Мен ҳам ўз фаолиятимда ўқитишнинг сифатли ва самарали йўлларини излашга ҳаракат қилиб, бирмунча тажриба тўпладим. Дарснинг ҳар бир босқичида ўзимча бир янгилик киритишга, дарсларни ноанъанавий усулларда ташкил этишга уринаман. Театрлаштирилган дарс, баҳс-мунозара дарс, сценарийли дарс, «Муъжизалар майдони», «Ўйла, изла, топ» деб номланган дарсларим шулар сирасига киради. Айниқса, «Кўрик-танлов» тарзида ўтказиладиган дарс босқичлари ўқувчилар учун энг таъсирчан восита эканига гувоҳ бўлдим.

Кейинги йилларда тил ва адабиёт ўқитиш дастури бўйича пайдо бўлган янгиликлар муаллимларни ташаббускорликка, ижодкорликка, изланувчанликка чорлайди. Мен Нодира, Машраб, Навоий, Бобур ижодиётига бағишланган «Назм ва наво» дарсларини ташкил қилиб, ўқувчиларнинг ўзлари миллий санъатимизнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниб олишларига кўмаклашдим. Иш ва рўзғор юмушларидан бўшаган пайтларимда ашула айтишни яхши кўраман.

3. Бугуннинг ўқитувчиси том маънода энг замонавий муаллим бўлиши керак. Бу тушунча кенг қамровлидир. Унда билимдонлик, замон зайлига қараб топқирлик ва тадбиркорлик сифати мужасамлашмоғи даркор. Тезкор, шиддатли, янгиликлар ва тафсилотларга бой бир даврда ўқитувчининг ижодкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ижодкорлик эса изланиш, ўрганиш кенг тафакккур меваси демакдир.

Ўқитувчи учун энг муҳим фазилат — бу болаларга бўлган меҳр-муҳаббатдир.

Гулнора ШУКУРОВА, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 29-ўрта мактабнинг тасвирий санъат фани муаллимаси: 1. Инсоннинг ўзи ҳақида сўзлаши қийин. Майли, шундай бўлса-да, бир уриниб кўрай.

Қарши шаҳрида туғилдим. Отам агроном, онам уй бекаси. Ҳозир дадамнинг номларини тилга олаяпман-у, ҳаётимдаги барча қувонч, эзгулик учун шу азиз кишига таъзим қилаяпман. Ёдимда, дадам узун тунлар хонтахтага бағирларини берганча, нималарнидир ёзиб-чизиб ўтирар эдилар. Мен ҳам дадамга тақлид этиб қоғозга расм солар эдим. Эрталаб қарасам, менинг айқаш-уйқаш расмларим тагида қўғирчоғим акс этган сурат турарди. Бу дадамнинг таҳрирлари бўларди.

Яна бир воқеа сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ёз кунларининг бирида уйимизга меҳмон келадиган бўлди. Онам барчамизга иш тақсимлар эканлар, менга ҳовли супуришни буюрдилар. Сув сепиб, супура бошлаган ҳам эдимки, йўлак чумолиларга тўлди. Чумолининг инига сув тушган эди. Мен чумолиларга тегмадим. Онам эса йўлакнинг топ-тоза бўлишини хоҳлаб, тезроқ супуришимни талаб қилардилар. Ҳар галгидек дадам ёнимни олдилар.

— Қўй, онаси, чумолилар ҳам яйрашсин.

Ишонасизми, ўша куни 3-5 соат чумолилар ҳаракатини кузатганман. Уларнинг меҳнаткашлигига гувоҳ бўлганман.

Ҳа, табиат оламига бўлган меҳр-муҳаббат қўлимга қалам тутқазган бўлса ажаб эмас.

5-ўрта мактабда ўқиган кезларим деворий газетанинг рассоми эдим. Ўшанда ҳам дадам менинг ўқитувчим ва танқидчим бўлиб дердилар:

— Қизим, деворий газетага сурат ёпиштирмаслик керак. Ҳаммаси табиий бўлсин. Майли содда бўлсин, аммо табиий.

Мана, ҳозир ўзим тасвирий санъат ўқитувчисиман. Шаҳар, вилоят ўқитувчиларининг танловида ғолибликни эгаллаган эканман, барисида биринчи ўқитувчим — отамнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Шунингдек, турмуш ўртоғим Ҳасанжон Шукуров, фарзандларим: Дилором, Мансур, Мақсуд, Баҳоралар ҳамма ишимда суянч-севинч бўлиб туришибди.

2. Буюк ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асаридаги сўзларни эсланг: «Мен рассом эмасман, — деб ёзади Абдулла Қодирий. — Агар менда шу санъат бўлганида эди, сўз билан бижирлаб ўтирмас, шу ўринда Сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатиб қўярдим. Фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди...».

Мен ҳам ўша ёзувчи орзу қилган Раъно гулининг сувини излаганим-излаган. Дарсда аппликациялардан кенг фойдаланаман. Қўғирчоқлар ясаймиз. Сўнгра ўзимиз чизган, ясаган қўғирчоқлар орқали саҳна асарларини ижро этамиз. Тасаввур этинг: чизамиз, шакл берамиз, тикамиз, ижро этамиз. «Зумрад ва Қиммат», «Бўғирсоқ», «Семург, Бунёд ва Паризод» каби эртак-асарлардаги образларни ўқувчилар билан чизганмиз. Уларни образларга бўлиб, ижро ҳам этаяпмиз. Бу эса уларнинг меҳнат, адабиёт, она тилидан олган билимларини мустаҳкамлашга ҳам имкон беради. Уларни фикрлашга, ижодий изланишга даъват этади.

3. Донишманд халқимиз томонидан «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», деган сўзлар замирида чуқур ва теран маъно бор. Шу маънода ўзим қадрлайдиган фазилат бу — инсон самимияти. Буюк философ Дидро ёзганидек, самимийлик ҳақиқатнинг жони ва ҳалол одамнинг пешонасига ёзилган белгисидир. Самимийлик тўғрилик ва ҳақиқатгўйлик билан узвий боғлиқ. Мен ўқувчиларимни ҳам шу самимият руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламан. Чунки самимий инсон ўз хатти-ҳаракатини танқидий баҳолайди, хатоларидан тегишли хулоса чиқаради. Бундай кишиларда барча туйғулар беғараз, холис булади. Камол Хўжандий айтганларидек:

Кичикка улуғлик улуғдан теккан,
Улуғга етиб, иш кичик қўт топар.
Улуғлар сўзин тут, амал қил, ўғур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар.

Семинар

НОАНЪАНАВИЙ ДАРСЛАР

Бир хиллик кўнгилга уради, одамни руҳан чарчатади. Мактабдаги бир хилликлар барчамизга аён. Шунинг учун ўқувчининг мушоҳадасини бойитадиган, фикрлашга ундайдиган, умуман, ўзга ўқитувчиларнинг ўқитиш услубидан кескин фарқ қилувчи дарсларни ноанъанавий деб айтамиз.

Худди шундай дарслар Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари тажрибасида кўп бора қайд этилмоқда. Уларнинг иш тажрибасини ўрганиш, кузатиш мақсадида яқинда бу мактабда семинар-кенгаш тарзидаги ноанъанавий дарслар ўтказилди.

Аралаш типдаги мазкур илм масканида рус синфларига ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга жиддий аҳамият берилаётгани очиқ дарсларда намойиш этилди. Шаҳар мактабларидан таклиф қилинган 120 нафар тил-адабиёт ўқитувчисининг ҳайрат тўла нигоҳлари синфхоналарда жонли, қизиқарли дарс ўтаётган Ш. Носирова, З. Абдуқодирова, З. Алиева, Х. Ашуровага қаратилди. Айниқса, 6—7-синфларга мажлислар хонасида дарс олиб борган Хўршида Ашурованинг «Уч авлод Абдулласи» деб номланган тематик ноанъанавий дарслари синчков, нозиктаъб муаллимларни яна бир бор изланишга ва ижодкорликка даъват этди. Абдулла Қодирий — мозийдан ҳикоя қилувчи адиб. «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари Абдулла Қодирийни кашф этди. Абдулла Қаҳҳор эса қисқа ва лўнда ёзадиган адиб. Унинг кичик ҳикояларидан катта хулосалар чиқариш мумкин. Абдулла Ориповни кўпчилик «Замонамизнинг Алишери» дейишади. Фалсафий ва шижоаткор шоир Абдулла Ориповнинг мухлислари миллионлаб топилади.

110-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Хўршида Ашурованинг ўзига хос, ноанъанавий дарсларида уч адиб ижодининг гўзал қирралари акс этди. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари бу адабиёт сиймоларинингтина эмас, балки муаллимлар истеъдодини ҳам ошкор этди. Мусиқий-драматик машғулотлар худди ором олиш соатлари каби семинар иштирокчиларига хушкайфият бағишлади.

Ноанъанавий дарслар куннинг биринчи ва иккинчи ярмида давом этиб, қатнашчиларга бир олам таассурот улашди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат» мухбири.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти, Ўзбекистон Фанлар академияси Қулёзмалар институти, Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси биргаликда ташкил этган «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишни А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори, психология фанлари доктори, профессор Ғ. Б. Шоумаров кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

Анжуманда Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзув маданияти ҳақида сўз борди. Унда Ҳамид Сулаймонов номидаги Қулёзмалар институтининг бир гуруҳ олимлари — Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, таниқли тилшунос олим Ғ. Абдураҳмонов, тарих фанлари доктори М. Исҳоқов, филология фанлари доктори Қ. Содиқовлар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Ҳайъатининг раис ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Т. Тошлонов сўзга чиқди.

МАОРИФЧИЛАР КЕНГАШИ

Сирғали туманидаги 3-ўрта мактабда туман маорифчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти вакиллари, муаллимлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Кенгашда сўзга чиққанлар ўқувчилар интизоми, ўғил-қизларнинг ўқишга муносабати каби масалаларга атрофлича тўхталдилар.

Кенгаш сўнгида қатнашчилар мактаб ҳаёти билан танишишди. Амалга оширилган айрим ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдилар. Иштирокчилар бундай учрашувлар улар фаолиятида жуда-жуда асқотишини таъкидлашди.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ ЙИҒИЛИШИДА

(Боши 1-бетда)

ча иш олиб бораётир.

Бироқ эришилган ютуқларга нисбатан жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам кўп. Бу ўринда ўқув жараёнига янги ахборот технологиясини жорий этиш ва компьютер техникасидан самарали фойдаланиш тўғрисида амалда гапириш ўринсиздир. Аксинча, кўпгина жойларда бу борадаги оддий масалалар ҳам ҳали ҳал этилганича йўқ. Умумтаълим муассасаларида талаблар даражасида дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-педагогик дастур воситалари ва адабиётлар етишмайди. Вилоятдаги учта халқ таълими булими (Дўстлик шаҳри, Хазорасп ва Хива туманлари)даги 27 та ҳунар-техника билим юртларидан қарийб ярми ҳисоблаш техникасига сервис хизмати бўйича 1995 йил учун шартнома тузмаган. Қўшкўпир ва Гурлан туман халқ таълими бўлимлари шартнома тузган бўлсалар-да, уз вақтида маблағ ўтказмагани учун уларга сервис хизмати кўрсатиш тўхтатиб қўйилган. Умуман, айни пайтда, вилоят бўйича ҳисоблаш техникасининг 20 фоизга яқини таъмирлашга муҳтождир.

Ҳайъат йиғилиши қабул қилган қарорда Хоразм вилояти ўқув юртларида ўқув жараёнига янги ахборот технологиясини қатъий жорий этиш, компьютер техникаси қўлланилишининг янада самаралироқ бўлиши учун шарт-шароит яратиш, камчиликларни зудлик билан бартараф қилишга йўналган аниқ чора-тадбирлар белгиланди ва кўрсатмалар берилди.

Ҳайъат йиғилиши республикада таълим мазмунини янгилаш бўйича илмий-педагогик ва услубий ишларни амалга оширилиши тўғрисидаги масалани чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқди. Бу борадаги қилинаётган ишлар тўғрисида Халқ таълими вазирлиги педагогик таълим, фан ва малака ошириш бошқармаси бошлиғи М. С. Яхёев, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти директори Ф.Ш. Шодиев, Республика таълим илмий-методика маркази директори Х. Бобобеков, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори Б. Ғ. Қодиров ахборотлари эшитилди.

Ҳайъат йиғилиши қайд этдики, мазкур масала Халқ таълими вазирлигининг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда ҳамда уни ҳал этиш ташкилий-педагогик ишлар мажмуи сифатида амалга оширилаётир. Халқ таълими вазирлиги қарамоғидаги Республика таълим илмий-методика маркази, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда малака ошириш институтлари таркибий жиҳатдан янгиланди. Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг шахсий имкониятларини аниқлашга фаолияти йўналган «Истеъдод» маркази ташкил қилинди. Бир қатор таълим муассасалари тажриба-синов майдончалари бўлиб қолдилар.

Янги хилдаги ўқув юртлари ривожланмоқда. Республикада 95 та гимназия, 179 та лицей, Тошкент вилоят педагогика институти базасида эса ўқув-педагогик комплекс фаолият кўрсатаётир. 159 та қишлоқ хўжалик ҳунар билим юртлари ўз ихтисосини қайта ўзгартирди. Эндиликда улар бозор муносабатлари талабларига мос келадиган мутахассислар тайёрлайдилар.

Республикада узлуксиз таълимни рўёбга чиқариш, унинг мазмунини янгилаш бўйича Республика таълим илмий методика маркази, Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти, педагогика ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари муайян ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ЎзПИТИ Республика таълим илмий-методика маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, ТДПИ ва бошқа муассасалар билан биргаликда ўқув фанлари ва турли хил таълим-тарбия йўналишлари бўйича 20 дан зиёд концепциялар, 25 ўқув фани бўйича давлат стандартлари лойиҳаларини тайёрлади.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти қошидаги мувофиқлаштириш Кенгашининг қайта тузилиши илмий-педагогик ишлар самарадорлигини оширишда ижобий аҳамият касб этаётир.

Замон талаблари асосида умумтаълим мактаблари учун 12 хилдаги, янги турдаги ўқув юртлари учун 21 хилдаги, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган таълим муассасалари учун 23 хилдаги ўқув режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгани туфайли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги юз берган катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактабларида ўрганиладиган фанлар бўйича 24 та ўқув дастури мазмунан қайта ишлаб чиқилди. Бу дастурлар асосида 40 дан зиёд дарсликлар янгидан яратилди ва қайта тайёрланди.

Мактабгача тарбия муассасалари учун 10 номдаги дастур эълон қилинди, «Мактабгача тарбия концепцияси» қайта кўриб чиқилди, «Болаларни мактабга тайёрлаш» дастури бўйича тажриба ишлари олиб борилмоқда.

Ҳунар-техника билим юртларида таълим мазмунини янгилашга йўналган 6 та ихтисослик бўйича стандартлар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва айни пайтда текширувдан ўтказилаётир. Бизнес мактаблари учун 3 та ўқув қўлланмаси, касб таълими методикасини такомиллаштириш бўйича 10 та кўрсатма-ҳужжат, илмий ишларнинг 2 та тўплами тайёрланди.

Шу билан бирга таълим мазмунини янгилаш бўйича фаолиятда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳали «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг барча бандлари бажарилди, деб қатъий айтиб бўлмайди. Худди шунингдек, оилада ва мустақил билим эгаллаш таълим шакллари амалга оширилганича йўқ. Синфдан ва аудиториядан ташқари таълим-тарбия йўллари ва усуллари мукаммаллигига эришилмади. Ўқув юртларининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланишга муҳтож.

Таълим мазмунини янгилашнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш бўйича назарий изланишлар изчил ва жадал олиб борилмаётир. Тажриба майдончаларида ўтказилаётган тадқиқот ишлари ҳали талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

Бугунги кунга қадар умумий тарих, Ўзбекистон тарихи, меҳнат таълими, ўзбек тили (таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактаблар учун) каби фанлар бўйича ўқув дастурлари тасдиқдан ўтказилмади. Умуман тарих, чет тиллари, «Инсон ва жамият», география дарсликларини яратиш бўйича ишлар охирига етказилмади.

Ўқув-методика адабиётларини нашр этиш бўйича ишлар ҳам талаблар даражасида олиб борилмаётир. 1995-1996 ўқув йили бошига қадар 72 номдаги дарсликлар нашр этилди, мактабларга эса 10 номдагисигина етиб борди. 1995 йилда дастур ва методик тавсияларни нашр этиш режаси бажарилди 16 фоизгагина бажарилди, холос.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти лабораторияларида олиб борилаётган илмий ишлар натижалари ҳаётга етарли жорий этилмаётир. Таълим концепцияларини яратишда институт мутахассисларининг фаол иштироки сезилмаётир.

Ҳайъат йиғилиши қабул қилган қарорларда таълим мазмунини янгилаш бўйича фаолиятни тубдан кучайтиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилди.

Мактаб анъаналари

ГИМНАЗИЯ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Тантаналар мактабда бўлиб туриши керак. Қувончли тадбирлар ёшларни кўп нарсага ўргатади.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманига қарашли 249-мактабнинг 20 йиллигини нишонлаш ажойиб маросимлардан бўлди.

Тантанани мактаб директори, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Ҳавохон Ҳамедова очди ва мактаб тарихи, бугуни ҳақида гапириб берди.

Сўз мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёти ўқитувчиси, III даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Малика Иноғомовага берилди.

— Мактабимиз бундан 20 йил муқаддам халқимизнинг ажойиб фарзанди Шароф Рашидов томонидан очилган эди. Оддий тутзор ўрнида барпо бўлган бу мактаб ҳозирда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Мактабнинг шу даражага етишувида Беруний номидаги маҳалланинг ёрдами беқиёсдир.

— Зиёкорлар шаҳарчасида қад кўтарган бу мактабга биринчи ўқув йили 4 мингдан ортиқ бола қабул қилинган эди, — деб эслайди мактабнинг собиқ биринчи директори Басти Орифжонова. — У пайтда ҳали иккинчи бино қуриб битказилмаган, болалар 4 сменада ўқирдилар. 2-иморат қуриб битказилди, қўшни мактаблар очилди, ана шундан сўнггина мактабнинг юки бироз енгиллашди. Ана шу даргоҳга раҳбарлик қилганимдан мен ҳам фахрланаман.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув ишлаб чиқариш концернидан ташриф буюрган Султон Абдуллаев, «Улуғбек» жамғармаси раиси Исфандиёр Латипов, Жаҳон тиллари университети ректори Каримжон Раҳимбердиевлар мактаб жамоасини улуғ айём билан қутлашди ва совға-саломлар ҳадя этишди.

Маросим сўнгида қўшни 29-мактабдан ташриф буюрган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қўша-қўша гулдасталари мезбонларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Хушхабар эшиттирилди: мактабга қутлуғ сана муносабати билан гимназия мақоми берилди! 80 дан ортиқ педагог ва 1200 ўқувчига бу хушхабар олам-олам қувонч бахш этди.

Кеча тантанали қисмидан сўнг куй қўшиққа, қўшиқ рақсга уланди.

З. ҲАСАНОВА.

Қутлов

ОЛТМИШ ЁШГА ОЛТМИШ ОҒИЗ СЎЗ

Мустақил давлатимиз келажаги усиб келаётган ёш авлоднинг нечоғлик маърифий ва маънавий жиҳатдан тарбия топишига боғлиқ эканлиги барчага аён. Келажак эгаларини тарбиялашдек улкан вазифани елкасига олган фидойи инсонлардан бири Қамариддин Усмоновнинг номи ҳам аҳли илм ўртасида анча таниш.

Муаллим бўлишдек орзу Қамариддинни ўзи туғилиб ўсган Фориш туманидаги Илончи қишлоғидаги ўрта мактабни тамомлагач, аввал, Ҳамид Олимжон номидаги Жиззах педагогика билим юртига, сўнгра Навоий номидаги Самарқанд давлат университети томон етаклади.

Қамариддин Усмоновнинг етук тарихчи, иқтидорли педагог бўлиб шаклланишига профессор Иван Иванович Умняков, доцент Маҳмуд Аминов катта ижобий таъсир кўрсатдилар.

Университет имтиёзли дипломини қўлга киритгач, Қамариддин Усмонов, аввал, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 23-мактабда, кейинчалик Фориш туманидаги 2-ўрта мактабда ёшларга тарих фанидан сабоқ бера бошлади.

Ҳа, муаллим шундай зотки, у ҳар қандай инсоннинг руҳини тарбиялаб, маънавий бойлик билан тўлдиради, қалбни ҳар хил қусурлар ва иллатлардан поклайди, яхши ишлар ва фазилатлар сари йўл кўрсатади. Қ. Усмонов ҳам шундай йўл тутди. Кўплаб ёшларнинг келажакда яхши касб эгаси бўлиб етишишларига ўз вақтида ўз ҳиссасини қўша олди. Моҳир педагог қўлида олтмишинчи йилларда мактабда таълим олган ёшлар ҳозирги кунда мустақил Ватанимизнинг турли бурчакларида виждонан меҳнат қилаётирлар, ҳатто улар орасидан талай раҳбар кадрлар етишиб чиқди. Улар ўз устозларини тез-тез йўқлаб туришади.

Қамариддин Усмонов ўқитувчилик қилиб юрган йилларидаёқ моҳир педагог бўлиш учун фақатгина касбга бўлган меҳр етарли эмаслигини, балки илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб бориш зарурлигини англаб етди. У ўз фаолиятининг иккинчи босқичида Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасида ўқиди, машҳур тарихчи олимлардан керакли маслаҳатлар ва тажрибалар олди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Қамариддин ака бугунги кунда таниқли тарихчи олим, профессор даражасига етди. Кўплаб илмий асарлар ёзди, шогирдлар тарбиялаб ўстирди. Бу тиниб-тинчимас меҳнатсевар инсон илм изидан қуваверіб, қутлуғ 60 ёшнинг бўстонига кириб қолганини сезмай ҳам қолди. Айни кунда Қ. Усмонов Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошида ташкил этилган олий педагогика институтининг тарих кафедраси мудирлиги лавозимида меҳнат қилмоқда. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан кейинги икки ўқув йили давомида қатор ўқув-ташкилий ишлар амалга оширилди. Биринчидан, кафедрада етакчи тарихчи олимлардан хусусан профессорлар Г. А. Ҳидоятов, М. М. Мусаев, А. Ғ. Абдунабиев, Р. С. Сангиров, Р. Г. Муъминова ва бошқа тажрибали педагог-олимлардан иборат профессор-ўқитувчилар гуруҳи шаклланди. Иккинчидан, тингловчилар учун олиб бориладиган назарий ва амалий машғулотларнинг янги йўналиши ишлаб чиқилди.

Маълумки, мустақиллик туфайли олий таълим, халқ таълимини ва ўрта махсус таълимини тубдан ислоҳ этишга, янги таълим-тарбия тизимини шакллантиришга эътибор кучайди. Айниқса, мактабларда, ўрта махсус ўқув юртларида, олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитишни яхшилашга қаратилган концепцияни ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида қўйилди. Профессор Қ. Усмонов ҳам «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси»ни яратиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари у истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб янги йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига, фаол ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига ва халқаро муносабатларига доир масалалар олим фаолиятининг объектини ташкил этади. Бу хайрли йўналишда, муаллиф томонидан 1994 йилда иккита рисола — «Истиқлол одимлари» ва «Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида» чоп этилди.

Умуман олим яратган дастурлар ва услубий қўлланмалар мустақил республикамизда таълим-тарбияни янада яхшилашга ижобий таъсир этишга йўналганлар.

Қамариддин ака ўзининг камтарлиги, мулойимлиги, талабчанлигию самимийлиги билан кенг жамоатчилик орасида катта ҳурматга сазовор. Бу ажойиб инсоннинг 60 ёшга тулганига, очиқ гап, унча-мунча киши ишонмайди. Чунки Қамариддин аканинг бутун вужудидан ички бир тетиклик, курашчанлик ёғилиб турибди.

Ғани НАЖИМОВ,
Равшан САНГИРОВ,
Ҳасан БЕГМАТОВ,
профессорлар.

МАРЯМХОНИМ

Марямхоннинг отаси Раҳимқори ака ҳам, онаси Робия отин ҳам зиёли кишилар эди. Шунинг учун бўлса керак, Марямхонда ўқитувчилик касбига меҳр эрта уйғонди. Ана шу қизиқиш уни ўрта мактабни тугаттач, ТошДПИга етаклаб келди. Ўзининг тиришқоқлиги, ўқишга бўлган қизиқиши туфайли тез орада у институтнинг фаол, етакчи талабаларидан бирига айланди.

1942 йилда ҳукумат қарори билан педагогика институтининг иқтидорли талабалари мактабларга ўқитувчи қилиб юборилди. Улар қаторида эндигина биринчи курсни битирган 17 ёшли Марямхон ҳам Оржоникидзе район Қибрай қишлоғидаги 30-мактабга йўл олди. Марямхон ҳафтасига 48 соатдан уч сменада ўзбек синфларида рус тилидан, рус синфларида эса ўзбек тилидан дарс берди. Дам олиш кунлари шоир Чустий, хонанда Мавлуда Аъзамовалар билан пахта даласида колхозчилар ҳузурида бўлишди. Чустий домла шеър ўқир, Мавлуда Аъзамова дутор чалиб, ашула айтар, Марямхон эса газета ва журналлардаги янгиликлар, хабарлар билан дала шунқорларини таништирарди.

Марям Раҳимовна мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга ўқишни ҳам давом эттирди. У 1946 йилда институтни муваффақиятли тамомлади ва ҳукумат қарори билан Министрлар Совети аппаратига бўлим бошлиғининг ёрдамчиси қилиб ишга тайинланди. 5 йил давомида Республика рабарлик идорасида ишлагач, яна 1951 йилда севган касби ўқитувчилик ишига қайтди. Пойтахтнинг Фрунзе районидаги 48-ўрта мактабнинг рус синфларида ўзбек тилидан сабоқ берди.

Ўз ишига масъулият билан қарайдиган Марямхон Раҳимовна мактабда дарс бериш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. У шаҳар ва туман миқёсида штатсиз инспектор, мактабда метод бирлашма раиси ва касаба уюшмаси маҳаллий қўмитаси раиси каби вазифаларни сидқидилдан бажарди.

Хорижий тилларни ҳам иштиёқ билан ўрганган Марямхон Раҳимовна 1960 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини ҳам битирди.

1958 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитиш кафедраси ташкил топди.

1959 йили Марямхон Раҳимовна шу кафедрага академик В. В. Решетов томонидан ишга таклиф қилинади, бир неча йил шу кафедрани бошқариб турди.

Мана 53 йилдирки, Марям Раҳимовна Усмонова тинмай меҳнат қилмоқда. У ўз соҳасининг таниқли, йирик мутахассиси сифатида қатор илмий ва илмий-методик ишлар ҳам яратди. У яратган ишлар 100 босма табоқдан ошади. Марям Усмонова университет ва педагогика институтлари учун ўзбек тилидан, педагогика институтининг сиртқи бўлимлари учун инглиз тилидан дарслик, дастур, ўқув ва методик қўлланмалар, қатор мақола ва рисолалар муаллифи бўлиш билан бирга фан номзоди илмий даражасини ва профессор илмий унвонини ҳам олишга муяссар бўлган таниқли олимадир. Унинг 1965 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган 8-синф дарслиги намунали дарслик сифатида 1967 йил Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига қўйилди. Муаллифнинг ўзи эса кўргазма қатнашчиси бўлди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида рус гуруҳларида ўзбек тили кафедрасида салкам 40 йилдан бери талабаларга сабоқ бериб келаётган бу олима шу пайтгача мактаб билан ҳам алоқани узмаган. У ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўқитувчилари билан ўзбек тили бўйича олимпиада ўтказишнинг дастлабки ташкилотчиларидан биридир. Марям Усмонова чорак асрдан буён Республика Халқ таълими вазирлиги қошидаги илмий-методик кенгашга раислик қилади. У мунтазам равишда шаҳар, вилоят ва Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, ҳатто чет эл педагогика олий ўқув юртларида маърузалар ўқиб келмоқда.

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги ўзбек тили ўқитувчиларининг яқин маслаҳатчиси, меҳрибон устози профессор Марям Усмонова Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бир неча бор фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар билан тақдирланган, халқ таълими аълочиси унвонини олишга сазовор бўлган.

Бугунги кунда таваллуд топганининг 70 йиллигини қаршилаётган камтар, меҳнаткаш, жонкуяр педагог Марямхон опа Усмоновага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, шарафли ва масъулиятли ишларида куч-қувват тилаймиз.

Равшанхўжа РАСУЛОВ.
профессор.

Ҳамкасбларимиз ижодидан

Абдураҳмон ҚОДИРИЙ (ҚОДИРОВ) Булунғур туманида таваллуд топган. 1958 йили СамДУни битиргач, ўз иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган.

1973 йилдан буён эса туман халқ таълими бўлимининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда. 1970 йилдан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Сўнгги йилларда Самарқанддаги «Зарафшон» нашриёти томонидан унинг «Истиқлол қўшиғи», «Тавалло», «Соғиниб яшайман», «Руҳият», «Умр сабоқлари» номли тўпламлари чоп этилган.

ТОМОША ҚИЛ

Одамий эрсанг, доимо, камтаринлик пеша қил,
Етмасин димоғинг кўкка, ҳар қачон андеша қил.

Яхши хулқу, ақлу одоб, бўлсин умринг безаги,
Тоза тут дил ойнасин, соф биллурий ҳ шиша қил.

Яхшилик қилсанг бировга асло таъма қилмагин,
Хайру эҳсон шевасини мунтазам, ҳамиша қил.

Қилганинг ҳар эзгу иш бир кас уйин этса обод,
Сен унинг хурсандлигини кўргину томоша қил.

Қодирий ҳар битта жойни айлама орзу, ҳавас,
Шу ватан тупроғин упу, шунда уй-жой, ғуша қил.

БЎЛМАСА

Не қилай бу жаҳонни мен унда инсон бўлмаса,
Бўлсаю инсон ва лекин, аҳли иймон бўлмаса.

Қанчалик бўлгай ғариб, эл наздида қуҳна замин,
Унга ҳусну зеб бергувчи ҳасти деҳқон бўлмаса.

Кимга суд бергай чўқур қазмоқ заминнинг қаърини,
Бағрида сақлаб қўйилган маъдану кон бўлмаса.

Не мурод бўлгай ҳосил мақтанмоқдан беҳуда,
Кўшкли айвон бўлсаю, келгани меҳмон бўлмаса.

Шеъру ғазал машқини бас қил, Қодирий то абад,
Ёзганинг эл оғзида қўшиғу достон бўлмаса.

ҲАР БИТТА ИНСОН АЗИЗ

Ҳар битта инсон азиз шарму, ҳаёси билан,
Яна ҳам бўлгай мукаррам аҳдга вафоси билан.

Номи учмай бир умр эл аро эъзозланур,
Юртига бўлган садоқат, чин муддаоси билан.

Дилга завқу шавқ бағишлаб, кўрган кўзни қувнатар,
У барпо этган чаман гулу раъноси билан.

Ота-она номига олқишу ҳурмат келтирар,
Яхши фарзандлар мудом хулқи аълоси билан.

Қодирий хизмат қилиб, эл дуосин олса ким,
Халқи ҳам севгай уни меҳригиёси билан.

САККИЗЛИК

Кўп нарса керакмас менга ҳаётда,
Заминга оёғим тегиб юрса бас.
Баъзи қимсалардек беҳисоб бойлик —
Ва мансаб курсисин қилмайман ҳавас.

Биламан буларнинг бари ўткинчи,
Фақат одамийлик боқийдир, холос.
Бирорта инсонга фойдам теккан кун,
Мен учун зўр байрам бўлишлиги рост.

Фидойилар

ҲАЁТ ГЎЗАЛЛИГИ

Ҳар бир инсоннинг, у қайси касбда ишламасин, қайси лавозимда меҳнат қилмасин, албатта илк устози бор. Ҳаёти давомида бир қанча устозлардан сабоқ, ибрат олиб, илм чашмасидан баҳраманд бўлади. Устозларни доимо эъзозлаб, фахр билан тилга олишимизнинг боиси ҳам аслида шу, албатта. Айниқса, ўнлаб устозлари орасидан биттасини, илк бор қўлига қалам ушлатиб, алифбени ўқитган устозини алоҳида бир ғурур, алоҳида бир энтикиш, завқ-шавқ билан эслайди. Чунки илк устозингизни эслашингиз билан ҳаётингизнинг энг беғубор, ташвишсиз дамлари кўз ўнгингиздан ўтади.

Суҳбатдошим бошланғич синф муаллимаси — Муқаддам опа Маҳмудова ҳам, мана, неча йилдирки, аниқроғи, 30 йилдан бери бир қанча инсонларнинг «илк устозимиз» деб фахрланиб тилга оладиган мураббийлардан.

— Муқаддам опа, касбингиз қанчалик мураккаб эканлигини жуда яхши биламиз. Нима учун айнан мана шу — бошланғич синф муаллимлигини танлагансиз?

— Мен учун бу касб жуда қизиқарли, мазмундор, ҳеч қачон эзрикмайдиган касбдир. Бошланғич синф муаллимаси болаларни билимлар дунёсига олиб киради. Бу уларни худди жуда гўзал, тенги йўқ, кўз қувонадиган чаманзорга олиб киришга ўхшайди. Ҳар бир ёш қалбнинг қунглига маърифат нурлари ила кириб бориш, фақатгина кириб бориш эмас, шу мурғак кўнгилни ширин муомала, меҳрибонлик билан забт этишни энг олийжаноб иш деб биламан. Уларга ҳарф танитиб, ўқув йили охирида эса дарсликларни шариллатиб ўқиётганликларини кўриб чеккан заҳматларим зое кетмаганидан шундай қувонаманки, асти қўяверасиз.

— Бугунги ўқувчиларингиз билан аввалги, масалан, 20 — 25 йиллар олдинги ўқувчиларингиз орасида қандай фарқ бор?

— Ҳозирги болалар жуда зийрак, қизиқувчан. 20 — 25 йил олдин болаларнинг аксарияти боғчаларга қатнашмаган. Улар уйдан тўғри мактабга келишган. Бу билан шуни айтмоқчиманки, улар табиатида бегонасираш, дилидаги гапларни уялиб айта олмаслик каби одатлари бор эди. Ҳозиргилар эса фикр доиралари кенг, мушоҳадали, синфда ўзларини эркин тутадиган болалардир. Бир-бирлари билан тезда тил топишиб кетадилар.

— Бир синфда 20 —25 нафар ўқувчи бор. Бу дегани шунча хил кайфият, шунча хил характер...

— Гапингизга тушундим. Бир синфда қанча ўқувчи ўқиса, шунча хил табиатли бола билан тиллашамиз. Биз ҳар бир боланинг табиатига қараб иш тутамиз. Баъзи болалар мулойимлик билан муомала қилишимизни, баъзилари эса эркалатиб муомала қилишимизни хоҳлашади. Шундай йўл билан уларни мактаб ҳаётига ўргатиб оламиз. Ахир, мактаб ҳаёти боғча ҳаётидан маълум томонлари билан фарқ қилади-да.

— Муқаддам опа, шогирдларга бой устозсиз. Уларни ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз?

— 30 йилдан бери шу касбдаман. Дастлабки йиллари ўқитган ўқувчиларим бугунги кунда барчаси оилали. Ҳозир уларнинг фарзандлари — нэвараларимни ўқитяпман. Байрам, улуғ айём кунлари собиқ ўқувчиларим тез-тез йўқлаб туришади. Баъзан уларни танимайман ҳам. «Опажон, Сиз бизларни бундан 15 — 20 йил аввал ўқитувдингиз. Бугун биз ҳаётда ўз ўрнимизни топиб, халқимизга хизмат қилаяпмиз. Бунда, аввало, сизнинг катта ҳиссангиз бор. Раҳмат» — дейишади. Бошим кўкка етади. Олган билимлари, ҳалол меҳнатлари туфайли менга, қолаверса, ота-оналарига раҳмат олиб келишар экан, ҳаёт гўзаллиги шу бўлса керак, деб ўйлайман. Ва шукроналар айтаман.

Ҳа, машаққатли, заҳматли, айни пайтда шарафли касб опага катта ҳурмат,обрў-эътибор олиб келган. Рухсора Исамуҳамедова раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 96-мактабда бундай тажрибали мураббийлар кўп: Тулганой Аъзамова, Файзулла Умаров, Хотира Ҳусанова...

Сафларингиз янада кенгаяверсин!

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА.

Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари

The 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program

The US Government is pleased to announce the 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program which provides grants to citizens of the NIS countries. The Program is funded and supervised by the United States Information Agency, and is administered by ACCELS, IIE, IREX, and the Soros Foundation. The Fellowship offers the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fields:

business administration — **economics**
public administration — **law**

The Fellowship will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries who lack sufficient funding to enroll in graduate programs at US institutions. Fellows may have the opportunity to seek an eight to twelve-week summer internship for practical training in the field of specialization. A number of the one-year placements for the Muskie Fellowship will be non-degree professional development awards designed for individuals with a minimum of three years work experience in the field they will study in the US. Depending on the type of program and field of specialization, the other Muskie Fellowships may lead to a graduate degree or certificate from a US institution.

Under the terms of the grant and the laws governing the student visa required for participation in the programs, Fellows must return to their home country immediately upon completion of the program for a period of at least two years.

Competition for the Fellowship is merit-based and open to anyone who meets the specific criteria. The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the applications and are available from the advising centers and representational offices listed below. Partial criteria are listed here.

- citizen of NIS countries;
- lacking a source of funding for study in the US or access to another US-based training program;
- under the age of 40 at the time of application deadline (November 15, 1995);
- hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1996;
- proficient in spoken and written English at the time of application; all semifinalists will be required to take TOEFL; and
- able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization.

Applications can be obtained from one of the advising center or representational offices listed below. Deadline for application is **November 15, 1995**. Late or incomplete applications will not be considered.

ACCELS Office:
16-A Lakhuty St.,
7th Floor, Room #716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel: (3712) 56-55-47

IREX Office:
88 Khurshid St., Apt.42
Tashkent, Uzbekistan
Tel: (3712) 35-21-71

ACCELS Educational Advising Center:
80 Uzbekistan St.,
1st Floor, Room #112
Tel: (3712) 45-80-56

Samarkand Branch of ACCELS:
39 Amir Temur St.,
Samarkand, Uzbekistan
Tel: (3662) 35-67-80

Nukus Branch of ACCELS:
3 Karakalpakstan St.,
2nd Floor, Nukus
742000, Karakalpakstan
Tel: (36122) 2-60-06

Namangan Branch of ACCELS:
4 Mashrab St., 4th Floor
Room #421, 422
Namangan, Uzbekistan
Tel: (36922) 6-27-50

ЯНГИ ТУРДАГИ МАКТАБЛАРДА

БАҲОЛАШНИНГ КЎП БАЛЛИК ТИЗИМИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 309-шарқ тиллари лицейида «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик тизимини жорий этиш ва шу асосда ўқувчилар рейтингини аниқлашнинг илмий-методик асослари» мавзуида янги турдаги мактаб директорлари учун семинар-кенгаш ўтказилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, мазкур бошқарманинг умумий ўрта таълим бўлими бошлиғи А. Зиёмуҳамедов, С. Раҳимов тумани ХТБ мудири А. Раҳматуллаев, шу лицейнинг илмий бўлим мудири, география фанлари номзоди А. Ҳасановлар «Баҳолашнинг рейтинг тизими ва ундан фойдаланишнинг методик асослари» мавзусида ва бошқа масалалар бўйича маъруза қилдилар.

Кенгашнинг амалий қисмида рейтинг тизимини қўллаш бўйича очиқ дарс машғулотлари кузатилди. Унда лицей ўқитувчилари А. Ҳасанов (география), Т. Қодиров (араб тили), Ф. Қаландарова (инд тили), Ж. Азимова (инглиз тили), Р. Табарова (рус тили), А. Абдураҳмонов (биология)лар очиқ дарслар ўтишди.

Семинар-кенгаш якунида давра суҳбати ўтказилиб, тегишли хулосалар чиқарилди, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда табииётгеография факультети ва тиббиёт асослари кафедрасининг жамоалари тиббиёт асослари кафедраси доценти Самариддин ФАЙЗИЕВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи:Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0509. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6